

Японияда мусулмон сайёҳлар учун махсус йўл харитаси яратилди



14:09 / 19.02.2019 2605

Япония Темир йўллари компанияси мусулмонлар учун ҳалол озиқ-овқатлар билан таъминланган 7000 та хусусий сайёҳлик объектларини ўз ичига олган йўл хатирасини ишлаб чиқди, деб хабар беради Япониянинг Asahi Simbun газетаси.

Мусулмон сайёҳларнинг ташрифини кўпайтириш мақсадида Япония ҳукумати томонидан барча зарур ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан ресторан ва дам олиш масканларини шариат талабларига мувофиқ равишда тайёрлаш энг зарур талаблардан ҳисобланади. Махсус ажратилган ресторанлар, ювиниш хоналари, намозхоналар, жойнамозлар, компас каби жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти